


# КУРРАМИЗ БОЛАЛАРИ



821.512.133  
K94

# КУРРАМИЗ БОЛАЛАРИ



Тошкент  
«ЮЛДУЗЧА»  
нашириёти  
1987

С6  
К 94


Түплөвчи  
ОТАЕР НАҲАНОВ



C — 4803010000—38  
360(04)87 41—87

© «Юлдузча»  
нашиёти, 1987

# ҚУЕШ ДОИМ МУСАФФО



## Митти чақалоқ

Қобулнинг бир чекка боғида,  
Дорул шафиқ тинч қучогида  
Ухлаб ётар ширин, осуда  
Икки ойлик митти чақалоқ.

Душман ўқи отасин олган,  
Үйи ёнган, онаси ёнган.  
Аскар бола қутқариб қолган  
Икки ойлик митти чақалоқ.

Беланчакда парча эт жисми,  
Хали унинг ҳатто йўқ исми,  
Катта дарднинг кичкина қисми  
Бўронда хас — митти чақалоқ.

Ватан надир, дўст ким, душман ким,  
Уни ўтдан халос қилган ким,  
Халос қилиб, мажруҳ бўлган ким —  
Хали билмас митти чақалоқ!

Ўша куйган балки инимдир,  
Ўтга кирган менинг дилимдир.  
У жонфидо, жонсўз элимдир,  
Англар бир кун митти чақалоқ.

Омон бўлса кичкина жони,  
Улғаяр у, кўрар дунёни.  
Инқиlobнинг бўлар ўғлони  
Ўсиб дуркун митти чақалоқ.

Ўша кунни қилурман хаёл,  
Юрт соҳиби бўлгай у алжол.  
У ҳам бир кун тутмагай қурол  
Шу тупроқда митти чақалоқ.

Йўқ, у камол топган замонда  
Олам бўлур омон-омонда.  
Дунё элин шу қутлуғ онда  
Чорламоқда митти чақалоқ.



## БОЛГАРИЯ

Георгий Мишев

### Болакай

— Лъннати,— деб түнгиллаб қўйди Цанко,— қачондан бери ортимдан эргашиб юрибди-я...

Болакай Цанкодан эллик қадамча наридаги пастаккина толзор орасида турар, унинг паҳмоқ соchlари кўқимтири осмон тарҳида қорайиб кўринарди. Цанконинг ўгирилиб қаравини у кутмаганди.

— Ҳой бола, қани, туёғингни шиқиллатиб қол-чи,— деб бақирди унга Цанко.— Бўлмаса, адабингни бериб қўяман.

Цанко эгилиб силлиқина бир тошни олиб иргитди. Тош коронгиди худди кўршапалакдек учиб бориб қумга тушди.

Болакай қимир этмай тураверди.

— Лъннати-ей,— деда минғиллади яна Цанко.— Нега энди менга эргашиб қолди-я...

Цанко қармоқ солинган қопчиқни елкасига осди. Шунда қармоққа илиб қўйилган чувалчанг худди қимиirlаб қўйгандек туюлиб кетди унга. Энди нима қилсин? Қайтиб кетсинми? Аммо эртагача чувалчанглар ҳеч нарсага ярамай қолади-ку, буларни излаб яrim кун сарсон бўлганди. Тушдан кейин эса қармоқ ипплаги осипган мянга у тұғунничуватиш билан қанчалар овора бўлувди.

Цанко болакайнини кундузи кўрта ҳди: у дарвоза ёнидан бир неча маҳта ўтиб, худди нимадир демоқчи бўлгандек қараб-қараб қўйганди-ю, лекин гапиришга юраги дов бермаганди. Кечга яқин қопчиғини елкасига осиб тор кўчалардан Осим дарёси томоқ йўлга тушганидан кейингина ортидан озғингина бир бола биқиниб келаётганини кўриб қолди.

— Ҳой бола, менга қара! — деди сабр косаси тўлиб Цанко.— Яна бир қадам юрсанг — тишлиарингни уриб...

У муштини оғзига тираб нима қилишини кўрсатди.

Бироқ болакай бу пўписали ишорани гўё сезмагандек самбиттол оралаб индамай унинг ортидан эргашаверди.

Улар тезоқар жойлардан сакрайвериб толиқкан Осим дарёси чуқур, сокин гирдобига етиб тинчийдиган яшил соҳилга етиб келишди. Дарёning шу ерида лақقا балиқ кўп, Цанко кўпинча

ёлғиз үзи балиқ овлайди. Агар болакай бўлмаганида, у аллақачон тўрни нариги қирғоққа тортиб қўйиб уйига кетарди. Эртасига азонда катта саватни ола келиб, зўр ўлжа билан қайтарди.

Аммо болакай худди қармоққа илашиб қолгандай изма-из келаверди. Цанко болакайдан қутулиб бўлмаслигини билуб тўхтади-ю, унинг яқин келишини кутди. Цанко қувласа, қочишга осон бўлсин деб эллик қадамча нарида у ҳам тўхтади.

— Бўёққа кел! — деб қичқирди балиқчи.— Сени еб қўймайман.

Аммо яқин келишга болакайнинг юраги дов бермади. Цанко энди ялинишга тушди.

— Сени урмайман,— деди унга.— Нима қилмоқчи эканингни айтсанг бўлгани...

Ниҳоят болакай юрак ютиб унга яқинлашди. Ўзи ҳам унчалик бўйдор эмас экан. Оёқяланг, эгнида чит қўйлак. Сочи ўсиб паҳмоқ бўлиб кетганидан бошида худди телпак турганга ўхшарди.

— Нега энди менга елимдай ёпишиб олдинг-а? — сўради Цанко.— Нима бало, ортимдан жосуслик қилиб юрибсанми?

Болакай жавоб бермади. Индамай тураверди.

— Нега бақраясан? Нима, тилинг йўқми?

— Бор,— деди бола эштиilar-эштиilmас. Унинг овози худди ўрдак боласиники каби бўғик чиқди.

— Яшавор-э! — деб кулиб юборди Цанко.— Сени соқов деб ўйлабман. Мактабга қатнаяпсанми?

— Ҳа, иккинчи синфга ўтдим.

— Ундай бўлса, кетдик! — деди Цанко бир оз ўйлаб.

Болалар йўлга тушиди. Каттаси олдинда, кичиги орқада. Муздек, юмшоқ қумда оёқ товушлари эштиilmайди. Пастаккина мажнунтоллар худди салом бераётгандек улар томон ёгилади.

Улар қум босган қияликка етиб келишди. Нарироқда саёзгина ариқча худди: «Қўриб қўйинг, мендан кўра улуғвор ҳеч нарса йўқ», демоқчилик чулдираб турибди.

Ундан нарироқда эса сокин, тинчоқар, лекин мудҳиш ўпконлари бўлган гирдоб бошланади.

Цанко қопчиқни елкасидан тушириб, ичидан тўрни олди-да, ёйиб қўйилган қармоқлардаги чувалчангларни яна бир марта кўздан кечириб чиқди. Кейин қайроққа ўхшаш япалоқроқ тош топиб арқонинг бир учига боғлади.

— Лаққа балиқ чувалчангга ўч бўлади,— деди у болакайга калтагина қозиқни бериб.— Маҳкам ушлаб тур, мен тўрнинг бир учини нариги қирғоққа боғлаб келаман.

У ечинди-да, қармоқлари қумда сургалиб бормаслиги учун тошни баланд кўтариб сувга тушди. Қирғоқда турган болакай унинг қўл ва оёгини шалоплатмай сузиб кетаётганини шундоқкина кўриб турарди. У бошини худди тошбақадай сувдан

чиқарып борарди. Доира шаклидаги ўпқон болакайга каттакон қатламага ўшаб күринди.

Арқон таранг тортилди-ю, болакай қозиқни қўйиб юборишига сал қолди. Кейин қумга ўтириб кута бошлади. Аллақандай чивин қулоги остида гингиллаб кўздан гойиб бўлди. Қирғоққа чиқиб олган қурбақалар худди дарёни бўлиб олишмоқчи-ю, лекин ҳеч келишолмаётгандек бетўхтов қуриллашарди. Саёзгина ариқча бутун олам биргина уни тинглаётгандек чулдирашдан тўхтамасди...

Цанко қирғоққа чиқиб, сувдан икки қадамча нарига қозик қоқди-да, эрталаб дарров топиб олиши учун қумга аллақандай белгиларни чизиб қўйди.

Кейин кийиниб болакай билан қишлоққа йўл олди. Улар толзорга етиб келиб, сўнгги марта гирдоб томон ўгирилиб қарашди. Лаққа балиқ сакраб чиқиб яна сувга шўнғиди. Сув сатҳида майда тўлқин ҳосил бўлди-ю, кейин гирдоб яна қатламага ўшаб қолди.

— Роса ўйнаяпти-я! — деб қўйди Цанко.— Эртага лаққа балиқ шунақаям кўп бўладики, ташиб адо қиломайсан.

— Бу ерда жудаям кўп экан-а! — деди болакай.— Сен тўрни ташлаётганингда қанчасиям сакраганини кўрдим.

— Сакраётгани майда балиқ, — деди кулиб Цанко.— Лакқани сув остидан излаш керак. Улар жуда чуқурлиқда бўлишади, худди чўчқачаларга ўшаб балчиқда ялпайиб ётишади.

Болакай иккиланиб сўради:

— Цанко, чўчқа боласидек келадиган лаққа балиқ борми?

— Валдирاما. Чўчқа боласидек бўлиши учун ким уни шунчалик боқади? Лаққа балиқлар фермаси борлигини шу пайтгача эшитмаганман.

Бир оз ўйлаб туриб қўшиб қўйди:

— Тўр ташлаганимни бирор ерда валдираб қўйма тағин. Тағин бирортаси келиб олиб кетиб қолиши мумкин.

— Айтмайман,— деди болакай.

Аммо Цанко нимадир эсига тушиб қолгандек ундан сўради:

— Қани, менга айт-чи, ортимдан кузатиб юришни сенга ким буюрди?

— Ҳеч ким. Ўзим...

— Бўлмаса, балиқ овига бораётганимни қаёқдан билдинг?

Болакай бир оз ўйланиб туриб, кейин жавоб берди:

— Ҳар куни қаёққа кетаётганингни биламан...

— Ҳа, гап буёқда экан-да.— Цанко ҳатто тўхтаб қолди.—

Нима бало, мени қўриқлаб юрмоқчимисан?

Болакай яна жимиб қолди-ю, йигирма қадамча юргандан кейингина худди аллақандай сирдан воқиф қилмоқчи бўлгандек секин деди:

— Цанко, жудаям сенга ўшагим келади.

Балиқчи ҳайрон бўлиб унга қараб қолди:

— Мен қанақа эканман?

— Сен каттасан, ҳамма иш қўлингдан келади... Отам менга: «Цанкони қара. У ҳамма ишда биринчи. Ўшанақа бўл...» дейди ҳар доим. Қанийди, менга гармонь чалишини ўргатсанг, саҳнада ҳам...

— Қандай чалишимни сен, болакай, қаерда кўра қолувдинг? — деб сўради Цанко.

Болакай жонланиб кетди. У Цанкога тикилиб борар экан, узоқ вақтгача мурғаккина қалбида асраб юрган бор гапини шоша-пиша айтиб берди.

— Қишида Левский ролини сен ўйнаган эдинг-ку! — у зўрға нафасини ростлаб олди.— Эсингдами, ўша, кейин дорга осилган Левскийни-да... Цанко, менга ҳам ўргат.

— Ўргатаман,— деди Цанко.— Мактабда ўқиш бошлансин, ўшанда биз пъеса қўйишга тайёрланамиз. Сенга кичикроқ бўлса ҳам роль танлаб бераман.

Болакай Цанконинг қўлидан маҳкам ушлаб олиб, уни юришдан тұхтатди-ю, лекин ҳаяжонланиб кетганидан бир оғиз ҳам гапиролмади.

— Сенга ёғочдан Левскийнидақа қилич тайёрлаб қўйдим,— деди у нихоят тилга кириб.

Цанко унинг қайноқ бўйнига қўлини қўйди. Қаранг-а, қанақа яхши экан, у бўлса...

— Қани, кетдик,— деди Цанко.

У ҳаяжонланиб кетди. Болакайнинг юпқа кўйлаги остидаги жажжигина юраги гуп-гуп уриб туришини, у билан баравар одимлашга интилаётганини сезиб турарди. Вой миттивой-эй, худди мендака бўлгиси келипти-я!

Улар болакайнинг эшигига етиб келишди.

— Эртага лаққа балиқ тутгани кетаётганингда мениям чақирасанми? — деб сўради у.

— Боргинг келса, майли чақираман,— деб розилик билдириди Цанко.— Энди бора қол, ухла.

Болакай сакраб-сакраб ҳовлисига кириб кетди. Цанко тош йўлак бўйлаб унинг оёқяланг шипиллаб бораётганини эшишиб турди. Бир оздан кейин сокин ёз туни қўйнида болакайнинг ашуласи янгради.

Иштван Бедё

## Дадамнинг портфели

Ишти «Топилма буюмлар» деб ёзиб қўйилган эшик олдида иккиланиб тўхтади, кейин қўрқа-писа ичкарига кирди.

— Хўш, хизмат, ука? — деб сўради ундан мўйлови худди моржнинг мўйловидек осилиб тушган мўйсафид. У анча димоғдор, афтидан аллақандай текширувчи эди.

— Илтимос, амакижон, менга айтинг-чи... Сизга... Тимсоҳ терисидан ишланган эски портфелни олиб келиб топширишмадими?

— Тимсоҳ терисидан дейсанми? Қани, буёқقا юр-чи, кўрамиз.

Чамаси йигирма дақиқалардан кейин жуда кўп топилдиқлар орасидан портфелни топиб чиқиши.

Ишти портфелни олиб дарров кетмоқчи эди, морж мўйловли киши дағаллик билан уни тўхтатиб қолди:

— Дадамнинг портфели, дедингми? Елғон гапираётган бўлмагин тағин?.. Яхшиси, дадангнинг ўзи келиб олиб кета қолсин,— деди-ю, чиқиб кетаётган Иштининг орқасидан чақириди: — Мана шунаقا, ука. Ҳамма нарсанинг ўз қоидаси бор, унга риоя қилиш керак.

Ишти унга ростини айтганди. Чинданам отаси эски бўлса ҳам, лекин дурустгина портфелини қаердадир қолдириб кетиб, уни излашга вақти бўлмаганди.

Отасининг туғилган куни яқинлашмоқда эди.

Иштининг пул йиғадиган қутичасида эса совға сотиб олишга хемири йўқ, шу боисдан отасига йўқолган портфелини топиб тақдим этмоқчи бўлди.

Энди топилган бўлсаям, уни олиб келишнинг иложини қиломаяпти.

Ишти портфелни Топилмалар бюросидан қандай қилиб олиш йўлини ўйлаб кун бўйи бош қотирди. Кейин мактаб драма тўгараги қўйган спектаклда боплаб ўйнагани тўсатдан ёдига тушиб қолди.

Портфелни қандай олиш режасини дарров ўйлаб топди: кўтталарнинг кийимини кийиб, ясама мўйловни ёпиширадида, портфелнинг ростакам эгаси бўлган отасининг қиёфасида Топилмалар бюросига боради.

Худди шундай қилди.

— Тимсоҳ терисидан ишланган портфель эгаси мен бўла-

ман,— деди у ёпиширилган мўйловини тўғрилаб йўғон овоз билан.

— Бемалол олиб кетишингиз мумкин, тақсир, лекин марҳамат қилиб унда нима борлигини айтиб беринг-чи.

— Биласизми, э-э-э... билолмадим... тушуняпсизми, э-э-э... уни анча илгари йўқотиб қўйгандим.— Тусатдан Иштининг овози ингичка тортиб, дудуқланиб қолди.

— Аҳа, гап бўёқда денг? Бўлмаса, ҳужжатингизни кўрсатинг, бизда қоида шунаقا.

— Ҳужжатми?.. Э-э-э... Йўқ эди-ю... Уйда қолдирган бўлсам керак....

— Шунаقا денг. Худди шу бугун уйда қолдириб келибизми? — Ваҳимали қилиб сўради мўйсафид.— Қани, Франци,— эшик олдида туриши лозим бўлган кимнидир чақирди у,— дарров милиционерни бошлаб кел, фиригарни қўлга туширдик.

Ишти ночор аҳволда қолди.

— Амакиҷон, илтимос қиласман, керакмас. Ўтиниб сўрайман. Ҳаммасини айтиб бераман.

— Ростини айтганингиз маъқул. Лекин, аввалига, полга тушиб кетган мўйловингизни олинг-чи.

Ишти маъюс тортиб хўрсишиб қўйди-да, бор гапни айтиб берди.

— Мана портфелинг, олиб кетишинг мумкин. Аммо билиб қўй, отангни деб сенга топилмани қайтариб бераяпман...

Севиниб кетган Ишти жилмайиб портфелни маҳкам ушлаб олди, бироқ эшик олдига бориб орқасига ўгирилди:

— Катта раҳмат, лекин, илтимос, менга айтинг-чи, амакиҷон, сизга ростини айтганимни қаёқдан билақолдингиз?

— Жудаям осонлик билан. Отанг суратингни портфелда олиб юаркан.



Нгуен Нгок

## Пон

Тунда илонизи тог йўли бўйлаб ёлгиз бир от келар, отнинг туёқ товушлари гоҳ эшитилиб, гоҳ тинар, шу боис ажабтовор, сирли туюларди. Бориб-бориб туёқ товушлари сўниб қолди, бу овозларни шабада ўзи билан учирив олиб кетди. Дарёнинг нариги томонида, Қхаукхактхиеу тоғида, ӯрмонда каклик сайради. Шарқ тарафда, осмоннинг энг чеккаларида тутам-тутам булутлар оқариб қўринди. Ӯрмонда йиртқич ҳайвон буталар тагида ўлжаси — улоқни шоша-пиша еяётиб, бирдан чўчиб тушди, ириллаб, орқа-олдига қарамай ўзини чангалзорга урди.

Олислардан қулоқ ўрганмаган гумбур-гумбур овозлар эшилди. У аввалига худди ҳувиллаб қолган нунглар қишлоғида шоли оқлаётган қўйл тегирмон айланишидай эшитилди, сўнг атрофга таралиб, янграб кетди. Бироқ бирдан гумбур-гумбур тиниб, сукунат чўқди. Сўнгра, орадан ҳеч қанча ўтмай, гумбурлаган овозлар қоронгилик қўйнида ётган Далан қишлоғини босди. Энди тоққа чиқиб кетаётган юк машина моторининг кучаниб ғириллаши, автомобиль сигнални ва ёшларнинг — йигит-қизларнинг янгроқ овозларини эшитиш имкони туғилди. Ашула айтиб кетаётганлар тўрт ёки беш киши эди.

Юк машинаси анча олислаб кетди. Ниҳоят атрофга сукунат чўккач, яна какликларнинг қўрқибгина сайраган овозлари эшитила бошлади, тез орада тог теваракларига сочилган майда қишлоқларда ҳурозлар ҳам қичқира кетди, уларнинг қичқириги авжга миниб, дарё бўйлаб таралди.

Пон уйқудан уйғонди. Она ўғлининг камбаргина ўрнида қимирлаганича аста гапирганини эшитди.

— Ойи, яна пича ётсангиз-чи... Шунчалик эрта туриб нима зарур? Ўзи кеча кеч ётувдингиз.

Она ҳеч нима деб жавоб бермади. Кун кўзга қўринмас ҳавотир ва ташвишлар билан кириб келаётганди.

Пон ҳам ўз кунини бошлади. У йўталди — қишда уни доим йўтал қийнарди.

— Ойи, эшитдингизми,— сўради у,— бутун тун ӯрмондан машиналар Тинотукка ўтди-я? Конга янги ишчилар кетишиди.

<sup>1</sup> Нунглар — Шимолий Вьетнам тогларида яшовчи тай гуруҳига мансуб ҳалқ.

Шундай совуқда тунлари юришади, яна ашула айтишганига ҳайронсан.

Уларнинг суҳбатлари доимо шу тарзда бошли нарди.

Сўнгра улар жим бўлиб қолдилар. Шунда Пон қушчаси Рининг бамбуқдан ясалган қафасни тумшуғи билан тўқиллатганча емиш сўраётганини ҳис этди. Паашахонанинг тўрлари шитирлади. Парда ортида ҳашаротлар чириллаши эшитилди. Қўтос жаҳл билан шохини оғилхона эшигига ура бошлади. Пон ҳар тонг уйгониб келаётган кундаги турли-туман овозларни эшитиб ётишни яхши кўрарди, сўнг эса қўзларини очганича, бугун қиласидиган ишларини чамалаб кўрарди. Бугун, масалан, омочнинг бўйинтуруғини ўрнатиши, кўчкат ўтқазадиган машинанинг филдирагини текислаб, тараашлаши керак, вақтида тўғрилаб қўймасанг ҳосил йиғиштириш пайти улгуролмай, қийналиб қолишинг мумкин. Агар филдирак ўқини яхшилаб чархламасанг, аравага қўшилган ҳўқизларга ўхшаб, гийқиллаб асабга тегади. Кейин асосий занжирни филдирак ўқига қандай қилиб бириттиришнинг йўлини топиш зарур. Акс ҳолда, бултурдагидай тупрок, балчикқа ботиб қолаверади. Бир ҳафтадан бери шуни қандай қилсан бўларкин деб бош қотиради-ю, ҳеч нимани ўйлаб тополмайди.

Поннинг миясига бирдан худди бугун мана шу мушкул ишни охирига етказаман, деган фикр «ярқ» этиб урилди, нега бундай қарорга келди, ўзи ҳам билмайди. Бугун ишим ўнгидан келади, деган туйғудан қанотланган Пон ўрнидан эртароқ туриб, ишга уннамоқчи бўлди-ю, негадир қачонлардир унга Зиец совға тарзида қавиб берган иссиқ кўрпадан қўзғалгиси, кундалик қишлоқ тонгидаги овозлардан айрилгиси келмади, жимгина ётаверди.

Она ҳам қўзларини катта-катта очиб, ҳали фира-шира теварак-атрофга тикилганча, индамай ётарди. Хаёллари уни аллақачон ўтмишга айланган кунларга етаклаган эди. Она буни эслашни истамасди-ю, бироқ ҳар оқшом юпқа парда ортидан дам тез-тез, дам бир маромда, аранг эшитилаётган ўғлининг нафаси уни мозийга қайтишга ундарди. Паашахона худди ўша пайтлардаги сингари, ҳали Пон гўдак бўлиб, оппоқ оламга қўзларини катта-катта очиб қараган вақтлардаги сингари, онаси тепасида тиниқ, янгроқ овозда ҳамма нарсага қодир руҳнинг сўзларини қўшиққа солган, тай қабиласидаги неча-неча йигитларнинг юрагини асир этган ва умидларини сўндирган пайтлардаги сингари гижирлади. Ўшанда Поннинг кучли, арслондек ботир отаси ҳали ҳаёт эди. Поннинг отаси мабодо ов қилгудай бўлса ўлжани тўрт кишилашиб қўтаришга тўғри келарди. У эса овини якка ўзи елкасига ортмоқлаганча, Қхаукои тоғидан то Далан дарёси қирғоғигача қўтариб келарди. Уйга кеч кириши билан қайтаркан, ўғлини дук-дук ураётган кўксига маҳкам

босарди. Бироқ орадан күп ўтмай Поннинг отаси нобуд бўлди, у мисли кўрилмаган даҳшатли тошқинга дуч келиб, сувга чўкиб кетди — унинг бу ҳалокатини куч билан гумбурлаб қулаган ўрмондаги энг баҳайбат, улкан темир<sup>1</sup> дараҳтига қиёс қилиш мумкин. Кейин Пон хасталанди. Касалликдан кейин кўзлари кўрмай қолди. Шунда онасининг ёшлиги, янгрок қўшиқларини кимдир шафқатсиз тиғлари билан тилибтилиб юборгандай туюлди. Бошидаги соchlари — бир толаси қолмай, фамгин-фамгин эртаклардаги каби бир кечада батамом оқарди.

— Пон, ўғилжоним,— деб сўрарди у кўзёшлари сел каби оқиб,— мени кўряпсанми, айтгин?

Ўғилчаси эса митти кафтлари билан онасининг юзларини сийпаб, жавоб берарди:

— Ҳа, ойижон. Мана, соchlаринг... мана, кўзларинг, энгажинг... Ойижон, йифламагин, ана, мен сени кўряпман... кўр эмасман...

Пон ўзининг соддагина ёлғони билан онасини илк марта алдамоқчи бўлганидан бўён орадан йигирма йил ўтди. Бу йилларда тинч, осуда яшадилар. Пон онасининг меҳр тўла иссиқ бағрида ҳаётнинг азобу ташвишларини билмай улғайди. Бироқ кунлардан бир кун Пон атрофида мавж ураётган турфа овозлару исларга тўлиқ сирли оламга ўзи, мустақил ўзи киргиси келиб, ўртанди. У шундай қилиб, онасидан бекитиқча қўшни болалар ва қизчалар билан танишиб олди.

Айниқса ҳар куни қўтосларини подага ҳайдайдиган Ием исмли қиз билан иноклашди. Понга қизчанинг сокин ва дилкаш овози ёқиб қолди. Ием ҳар куни уни ўрмонга оборар, турли дараҳтларни Понга таништираси. Пон янги кесилган темир дараҳти лимнинг қандай ёқимли бўй таратишини, эманинг ачимсик ҳидини, вонг<sup>2</sup> дараҳтининг майин исини, сабурнинг ўткир, ёқимли бўйини бир умрга ёдда сақлаб қолди.

Ием унга инидан йиқилиб тушган полапонни ҳадя этди, Пон қушчани парвариш қилиб, уйида боқа бошлади. Қиз Понни қўтоснинг устига чиқариб қўяр, у эрталабдан кечгача ҳайвоннинг кенг, тебраниб турган ягринида чўзилиб ётар, шу ётишда дам кўзи илинар, дам бурун парракларини керганча ютоқиб, ёз ўтларининг нордон, ширин исларини симираси. Уларнинг дўстлиги бир йилдан сал кўпроқ давом этди. Бир куни Ием уни дарё бўйига болалар билан бирга ўйнагани олиб борди. Шунда қанақадир овози йўғон, жарангдор бир бола,— Пон анчагача бу товушни эсида сақлаб юрди,— бор овози билан ҳайқири:

<sup>1</sup> Темир дараҳти — ёғочи қаттиқ, оғир, тропик дараҳт.

<sup>2</sup> Вонг — хинд эритринаси; ғалвирак танали катта баргли, халқ табобатида ишлатиладиган дараҳт:

— Ҳей, жүралар, қаранглар, күр ўртоғимиз ҳам хотинчалари билан келиб қолдилар!

Иемнинг қўлларига таянган Пон теварак-атрофга аланглади, қорачиқсиз кўзлари қонга тўлди. У ҳозир Ием бу дилозорнинг боплаб жавобини беради, деб илҳақлик билан кутди, лекин қиз лоақал бир оғиз сўз учун оғиз очмади. Ием индамай тураверди, бир оздан сўнг билакларини Поннинг қўлларидан бўшатди-да, қочиб кетди...

Ўшанда Поннинг назарида, кўксида бир нима чил-чил сингандай бўлди ва жон-жаҳди билан тошларга, дўнгликларга қоқилиб, дараҳтларга урилиб, уйи томон югурди. Пон оёқлари тилиниб, қоп-қора қон бўлса-да, қоқилиб, пешонасини ёрса-да, қайсарлик билан тобора олга югураверди.

Шундай қилиб, у яна паноҳи, ҳимоячиси — она бағрига кирди. Уларнинг ҳаёти осойишта, сокин, эҳтимолки, баҳтиёр кечагина бошлади. Пон кўзга кўринмас күр сукунат бағрида вояга етди. Тўғри, бაъзида уни Ием таништирган дўстлари — дараҳтлар, ўрмон ўтларининг ҳар томонидан имлаб чорлашлари қулогига етиб келарди-ю, аммо қалбидаги ўша ўчириб бўлмас изтироб уни уйдан чиқмасликка даъват этарди.

Агар Зиеу пайдо бўлиб қолмаганида, кунлари шу тарзда ўтаверар эди.

Она ҳамон Зиеу номини эшитиши билан аъзойи бадани титроққа кирар эди. Мана, ҳозир ҳам у тушагида ўёнидан буёнига ағдариларкан, Пон юпқа парда тусиқ орқали онасининг фикрини уққандай деди:

— Ойи, ҳалиям Зиеудан хабар йўғ-а?

Поннинг руҳи тушиб, танглайини тақиллатди, бироқ овоздида ҳасрат сезилмади.

— Ҳамонки шундай бағритош эканми,— деб сўзида давом этди у,— ўзи билади.

Она ўғлининг бир пайтлар Ием билан дўстлашганлари эсига тушиб, қўрқиб кетди. Пон йўталиб, кўрпани ўзидан нари сурди.

— Бўпти, ойи, энди ўрнимиздан турайлик. Кечаги чилвирниям тўқиб қўйишимиз керак.

— Балки яна пича ётарсан? Каллайи саҳарлаб туриб оласан, мана яна йўталинг тутди. Йўқ, сен онангнинг гапига қулоқ осармидинг...

Вайсай-вайсай, бари бир она ҳам ўрнидан турди.

Бир оздан сўнг улар ўтириб олганларича чилвир тўқий бошладилар. Майдаланган арундинария ўсимлиги пояси Поннинг қўлларини ўткир тиғдай тилиб борар, бармоқларидан сизиб қон оқарди.

Ҳамма кўрлар каби Пон ҳам жуда зийрак эди.

— Нимага ўлланиб қолдингиз, ойи? — сўраб қолди у дабдурустдан.

Она тусиндан берилган бу саволдан чүчиб тушди.

— Ахир,— деди Пон кулиб,— чилвирнинг учини адаштириб юбордингиз-ку.

Она индамади. Тараптотилган чилвир астағичирлади. Она орадан анча үтгач, шундай деди:

— Гапимга ишон, үглим... Зиеу... унча яхши қиз эмас... Бекорга уни кутяпсан. Зиеу ахир, киней, биз тай қабиласидагилар билан үлсаем бирга қолмайди.

— Мана шу гапингиз нотўғри! — қаттиқ кулиб юборди Пон.— Унинг иши бошидан ошиб кетган, холос, иннайкейин йўл ҳам олис... Кейин мен мутлақо уни кутмаяпман ҳам...

Она ўғлининг нима учун кулиб юборганинига тушунолмади.

Улар яна жим қолдилар. Икковлари ҳам ўзларининг бир хилда кечираётган сокин ҳаётларига бостириб кирган, Поннинг тақдирини ўзгартириб юборган қиз — Зиеу ҳақида ўйламоқда эдилар. Бу орада қанча сувлар оқиб кетди, бироқ Пон барини худди кечагина содир бўлгандай аниқ эслайди.

Зиеу ҳалқи оз, мўъжазгина Далан қишлоғида қўққисдан пайдо бўлиб қолди. Она бу қизнинг қаердан келиб қолганлигини билмасди. Киней қабиласидан чиқсан ўртоқ Лак бутун уруш<sup>1</sup> мобайнида Қхаукхактхиеу округида ишлаган ҳамда вақти-вақти билан бу ерлардан тез-тез хабар олиб туради. Тинчлик битими тузилгач эса Тинътук қурилишига ишга тайинланган ва ўёққа жўнаётib йўл-йўлакай Далан қишлоғига кўниб үтганди. У билан синглиси Зиеу ҳам келган эди. Ўртоқ Лак синглисими шу ернинг жамоа раисиникада қолдирган, уй эгалари билан Зиеуни кондан муносиби ош топгач, кейин опкетаман, деб келишган эди. Зиеу мўмингина, меҳнаткаш қиз бўлиб, тез орада раиснинг оиласига киришиб, ҳамма билан тил топишиб кетди. Қиз обкашда Далан дарёсининг эгри қирғогидан сув ташир, худди мео қизи каби эпчиллик билан ўрмондан боғлам-боғлам үтин орқалаб келар ёки кенг чолворларининг почасини шимарип олиб, сув тўлғазилган, кўпчиган қиррали тошлари кўп пол-пол қилинган ер оралаб, омоч кетидан юарди; шоли янчадигана қўл тегирмонда шоли оқлаш, ўғирда гуруч туйишда тайлик аёллардан қолишимас эди.

Понларнинг уйида унинг отасидан қолган шоли янчадиган қўл тегирмон бор эди. Бир куни Пон онасидан сўраб қолди.

— Ойи, бизнигига дон янчгани келаётган ким?

— Айтганим билан танимайсан,— деди лоқайд онаси.

— Бегона одамми? Қаерлик экан?

— Қайдам... сўрамадим. Бизнинг улар билан нима ишимиз бор, ўглим.

Пон бошқа ҳеч нима тўғрисида суриштирмади, оқиш кўзларини кўтариб, киприкларини пирпиратди. Дўнг пешонасини

<sup>1</sup> 1946—1954 йиллардаги Қаршилик кўрсатиш уруши назарда тутилмоқда.

ажинлар кесди, у нима ҳақдадир қаттиқ ўйга чўмди. Узок жимликдан сўнг у худди ўзига-ўзи гапираётгандай деди:

— Мундок эшитиб турсам, юришлариям бошқача, биз тайликларниги ўхшамайди.— У яна жимиб қолиб, сўнг қўшиб қўйди:

— Қаериидир Иемга ўхшаб кетадими-ей, мен... Узи бир ёш қизу тегирмонни қандай уддаларкин? Ойи, яна йиглајисизми, нега йиглајисиз? Мен сизни хафа қилиб қўйдимми?

Шоли оқладиган қўл тегирмон шундоқцина бостирмада турарди. Зиеу эса ҳеч қачон уйга кирмаганди. Пон бўлса уйдан эшикка чиқмасди. У эрталаблари қоронғи, жимжит хонада, тегирмоннинг бир маромда тез айланишига қулоқ тутиб ўтиради. Пешонасида эса ажинлар чизик тортиб бораради...

Бир куни Зиеу, ҳовлида уй бекасини тополмай, эшикнинг икки тавақасини ланг очди ва уйнинг ўртасида худди меҳмон кутаётгандай алфозда ўтирган йигитга қўзи тушиб, сўради:

— Қўл тегирмонингизни бериб турмайисизми? Саватим тўла шоли...

Йигит бошини кўтарди, Зиеу бир сесканиб тушди: йигитнинг қўзлари кўр эди. Ўртага тушган ноқулай сукут муздан совуқ бўлди.

— Бу ерга кирган ким? — сўради йигит ниҳоят.

Йигитнинг қўлларидағи ҳаммаёғи рандаланган юмалож ёғоч парчаси тақ этиб ерга тушди. У ерни тимирскилади-ю ёғочни тополмади. Зиеу остонаядан ҳатлаб, ёғочни ердан олди ва уни кўр йигитга узатди. Бироқ йигит ўрнидан қўзгалмай, деди:

— Иўқ, бунга ўзим айборман. Илтимос, ёғочни жойига ташланг.

Унинг овози титради. Йигит қизнинг хижолат ичида, қисқа-қисқа нафас олишини эшитиб турарди. Зиеу ҳам жим эди. Қиз эгилиб, ёғочни ерга қўяркан, уни кўр йигитнинг оёқлариға яқинроқ сурди. Лекин йигит ёғочни қидирмади, ўрнидан туриб, бошқа хонага чиқди. У остонаяда қоқилиб тушди, Зиеу ёрдамга ошиқмади.

Пон каравотига ўтирди. У бирпасдан кейин қўл тегирмоннинг гувиллашини эшитаман, деб хаёл қилди. Иўқ, тегирмон жим эди. Уйдаги сукунатни юпқа парда ортидаги қизнинг нафас олиши бузиб турарди. Понни тушуниб бўлмайдиган, ғалати ҳислар қамраб олди. Назарида шундоқ ёнгинасида Ием аста гапираётгандай туюлди, сўнгра қизнинг овозини ўзининг қадам товушлари босиб кетди: у тошларга қоқилиб-суриниб, дараҳтлар, шоҳ-шаббаларга урилиб, товонлари қоп-қора қонга беланганча югурмоқда эди. У қачонлардир ўзига совға қилинган полапоннинг чирқиллашини эшитар, гулларнинг, баргларнинг, оғочларнинг уни ўзларига чорлаб, гуркиратган ислари димоғига келиб уриларди. Пон гўёки тин олмай машақ-қатли, олис масофадан югуриб келган одам каби аранг нафасини ростлади. Унга бирдан гўёки бу нотаниш қи-

билин анча вақтлардан буён танишу, бироқ қизнинг гулгун яшнаган соғлиғи билан ўзининг ногиронлиги орасида тубсиз жар қорайиб ётгандай ҳамда жарнинг ўёқ томонидан Пон билан онаси икковига, яъни хокисор ва заиф одамларга кириш мумкин бўлмаган ўзгача бир олам ястаниб ётгандай туюлди. У узоқ пайтгача бутун вужуди билан нимагадир интиқ ётар ва айни пайтда хонасига киришга журъат қилган одамни олдига солиб қувишга тайёр эди...

У тўсатдан девор ортида қўл тегирмоннинг айланишини, сўнгра худди баргга ёққан ёмғирдай кенг, япасқи саватга гурч доналарининг шитирлаб тўклишини эшилди. Қулоғи ўрганиб қолган бу овозлардан Поннинг юраги негадир бу сафар безовта бўлди ва кўзларини алам ёндириб юборганини ҳис қилди... Тегирмон тингач, Пон жойидан туриб, пайпасланапайпаслана эшикка етди ва индамай остоноада туриб қолди.

— Нима, тамом қилдингизми? — сўради у ниҳоят.— Тегирмон эски, бир марта янчсангиз ёмон чиқади, яхшиси, икки марта янчиш керак.

— Яхши... Онангиз қаердалар?

— Ойим далага кетган.

Улар яна жимиб қолишиди. Сўнгра Пон яна ўзини оқлагандай сўз қотди:

— Сиз анчадан буён қишлоқда яшайсизу бизникига кирай ҳам демайсиз, менинг хабарим ҳам йўқ...

Улар ана шундай танишиб қолдилар. У, тўғрисини айтганда, сўзлари таклифга айланишини кутмаган эди.

Зиеу одатда чошгоҳда, ойиси далада ишлаётган пайтда келарди. Қизга Пон билан бирга ўтириб, унинг қандай қилиб жажжи ўйинчоқлар — маккажӯхори ўзагидан шакарқамишга қисқич, юмшоқ вонг дараҳтидан чархпалак ясашини ёки қушчаси Рига дон беришини томоша қилиш ёқарди. Зиеу бошқа шунга ўхшаш уйлардаги каби бақувват эркак қўллари сезилмаган бўм-бўш, тартибсиз уйга кўндаланг қўйилган ғўлага ўтириб олганича Поннинг узун-узун нозик бармоқларида тифи ўткир паккининг эпчил ўйнашига қараб ўтиради. Ялтираб турган пакки тифи остидан жажжи, бежирим буюмлар чиқиб келар, Поннинг кўзлари эса қўлидаги ишига эмас, юқорига, ёнида ўтирган қиздан нарига, хира соялар қуюқлашган томонга тикилганди. Қиз баъзан «оҳ» тортиб юборар, Пон эса бошини унга ўгирмасдан куларди:

— Нима, қўлини кесиб олади, деб қўрқяпсизми? Бунга ўрганиб кетганман.

Баъзида у қизга қушлар ҳақида гап очарди:

— Қушларни жудаям яхши кўраман. Қанийди майнам бўлса, майнани гапиришгаям ўргатиш мумкин. Жуда зўр бўларди-да.

— Яна қандай қушларни биласиз? — уни қизиқтириди Зиеу.

Пон, бошини кўтарганча, ўйга чўмди. Зиеу эса бемаъни саволларим билан уни хафа қилиб қўймадиммикин, деб ичидা

афсусланди. Аммо Пон үйлаб туриб, сунг табассум билан жавоб қайтарди.

— Яна қанақа қүшларни биласиз, дейсизми? Мана, ри, мусича, кантар, ноокзиак...

— Ноокзиак? У қанақа қүш?

— Сизлар бу қүшни нима деб атайсизлар, билмадиму, аммо биз уни ноокзиак деймиз. Бу қүш қарғадан каттароқ, маккажұхори сұтасини ейди, уни дарров овозидан таниш мүмкін, «сак, сак, сак», деб сайдайди. Ярамас қүш!..., Ҳа, яна заргалдоқниям биламан. Эшитишімча, вақти келиб, заргалдоқниям гапиришга ўргатып мүмкін экан. Мен бир пайтлар заргалдоқ тутиб олган әдім, әнді қанотларини қирқаман деб турсам «пирр» этиб учди-кетди. Шундай ачиндимки! Илгарилари баъзан-баъзан у үйимизга учеб келарди, чақырсанг, ёнгинангга қўниб, сайдарди. Ҳозир келмайди, қаёққадир кетиб қолди... Уни қидиришга тушсаммикин, деб үйлаганим-үйланган.

— Афсуски, бу ерларда какку бўлмас экан,— деди Зиеу.— Менга какку ёқади. Какку «ку-ку» лашини бошласа борми, на-заримда бирор мени чақираётганга ўхшаб туюлаверади. Болалик пайтларимда какку сайдари билан изидан кетаверардим...

Пон узоқ жимиб қолди. Одатда бунақа пайтларда Зиеу йигит қаршисида ўтирганча уни тўсатдан ғалати саволга тутарди.

— Пон,— деб сўради қиз,— сиз оқ рангни қанақа тасаввур қиласиз?

Пон пакки ва ёғоч ушлаган қўлларини пастга туширди ва дарров жавоб беришга ошиқмади.

— Оқми... Оқ рангми, мана, у қандай... Қушчам рини кўрдингизми, ранги оқ-а? Оқ ранг енгил бўлади. Мен уни кўриб турибман, Зиеу.

Қиз шунда эшик томонга ўгирилиб қараб, қушчага тикилди: қушча қора тумшуқчаси билан қўнғирранг қанотларини тозаламоқда әди.

— Тушунарли,— деди Зиеу.— Кўк ранг-чи, у қанақа?

Қизнинг ўзи ҳам берайтган саволлари шафқатсизлигini тушуниб турарди-ю, бироқ ёшликтининг беаёв қизиққонлиги уни ҳадеб Понни саволга тутишга ундарди. Пон жилмайди, лекин бу саволга жавоб топиш бошқаларидан кўра қийинроқ әди. У кўзларини юмди, бурун парраклари пир-пир учди.

— Мен шундай таърифлайман,— унинг овози худди ёриқ жойга тушиб кетган калитдай жаранглади,— кўк ранг — жудаям олис ранг. Узоқ-узоқларга таралиб кетган... Унга етиш осон эмас.

Зиеу ажабланди. Энди қизнинг ўзи узоқ сукутга чўмди.

— Наҳотки айтганларим тўғри эмас? — сўради ниҳоят Пон.

— Менинг ўзим ҳам унча яхши билмайман... Мен дengиз бўйида туғилганман. Денгиз кўм-кўк бўлади.

— Денгиз жудаям каттадир-а?

— Ҳа, улкан...

— Улкан... бу нима дегани?

— Мана, масалан, айтайлик, агарда кун-уззукун, тонгдан шомга қадар юрсанг ҳам дengиз охирига етолмайсан, унга ўн кун юриб ҳам етиб бўлмайди, ҳаттоқи юз кун юрсанг ҳам... Денгизда тўлқинлар юради. Мен кичкина пайтимда тўлқинларниң қирғоққа урилишини тинглашни яхши кўрардим. Тўлқинлар кундузи ҳам, кечқурун ҳам тинмайди, назарингда худди дengиз сен билан гаплашаётганга ўхшаб туюлади.

Кечқурун Пон онасига шундай савол берди:

— Ойи, умрингизда дengизни кўрганмисиз?

— Нима, Зиеу ўша томонларданмикин? — хавотирланди она. Пон жавоб қайтармади.

— Ўғлим, нима гап ўзи? — онанинг овози худди ингра-ганга ўхшаб чиқди. — Қаёқдан каллангга кела қолди дengиз?

Бироқ Пон яна лом-мим демади. У дengиз ҳақида, улкан, мовий дengиз ҳақида хаёл сурар, қулоқлари остида тўлқинлар шовулларди. Унинг ёнига борсанг, қўлларингни тегизиб кўрсанг қандай соз бўларди. Зиеунинг айтишича, уларнинг дengизида худди яйловда юрган қўтослар каби улкан кемалар юрармиш; факат бу ўтлоқ кўк тусда бўлармиш, кемалар эса оқ ва қора рангда эмиш... Денгиз шўр эмиш... Қўтослар ўт ейди, кемаларнинг эса емиши кўмир эмиш, кўмирни бўлса ердан қазиб олишармиш.

Шу куни қуёш ёруғ нур сочди. Пон пайпаслана-пайпаслана кўча эшиккача борди, қачонлардир отаси унинг туғилган кунида ўтқазган олхўри дараҳтини ушлаб турди.

Қуёш нурлари гўёки қайнок, меҳрибон кафтлар каби юзларини сийпарди. Унинг катта очилган кўзлари мижжаларида ёшлар жилваланди. У ҳаётида илк маротаба ўзгалар кўра оладиган кенглик, борлик қаршисида ўзининг ниҳоятда ожиз эканлигини ҳис этди-ю, дилида орзу-истаклари жунбишга келиб йиглаб юборди.

Она унинг ўзгариб қолганлигидан даҳшатга тушди. У энди даладан чошгоҳга қолмай қайтиб кела бошлади. Зиеу эса кечга яқин Поннинг онаси Ниокхай бозорига кетганида келишни одат қилди.

Зиеу бир куни Понни дарё бўйида сайр қилиб келишга кўндириди. Қиз уни харсанглар орасидан ўтган ёлғизоёқ йўлдан олиб юрди. Поннинг оёқлари қачонлардир босиб ўтилган йўлни танир, бурун парраклари сувнинг салқин шабадасини ҳис этиб пириллаб учмоқда эди. Ипакдай майин шабада енгил қанотлари билан юзларини силаб-сийпар эди. Пон тумшуғи узун кўктаргоқнинг янгроқ овозини ва кўкдан асов дарё бағрига ўзини ўқдай отишдан аввал қанотларини патиллатганини эшитди. Йигит Зиеунинг изидан худди бир вақтлар

Иемнинг кетидан юргандай одимлаб борарди. Зиеунинг қадами дадил ва аниқ эди, у ҳам тез бўлмаса-да, бироқ кўрадиган одамдай юрарди. У йигирма йил мобайнода илк маротаба шундай ёнгинасида дўстининг тирсагини ҳис қилганича осоишига ва бехавотир кетарди.

Дарёдан эсаётган шабада қуёш қаҳрини кесмоқда эди.

— Зиеу, иссиқ кийинганмисиз? — сўради Пон.— Худо сақласин, шамоллаб қолманг тагин.

— Хавотир олманг,— уни тинчлантириди Зиеу,— қалин кийинганман.

Аслини олганда, қиз эгнига фақатгина жигарранг хонаки сурп кўйлагини кийиб олганди, холос — Зиеу унча-мунчага совқотмаслигини кўз-кўз қилишни яхши кўрарди.

— Мана, дарёга ҳам келдик,— деди қиз.

Улар тўхтадилар.

— Биласизми, Пон,— Зиеунинг овози сув шовқинига қўшилиб кетди,— дарёning бир қирғоғи лойқа, бошқа томони эса тиниқ. Нега бунақа экан, сиз нима деб ўйлайсиз?

— Наҳотки? — деда олди, холос Пон.

— У илгарилари тиниқ эди,— донолик билан шарҳлашга киришди Зиеу.— Ҳозир Тинътуқда шахта қуришган, сувда руда ювишанидан дарё лойқа оқяпти.

Пон қизнинг гапларини дикқат билан эшитди, назарида шамол димогига турли исларни — тоза ва лойқа сув исларини келтириб ургандай бўлди.

— Яқинда,— деб гапида давом этди Зиеу,— мен ўша ёқقا жўнайман.

— Қаёқقا?

— Конга. Ҳар кечада машинада янги-янги ишчиларни ўша ёқقا олиб ўтишаётганини эшитмаяпсизми? Ҳозир бутун мамлакат бўйлаб қурилиш кетяпти. Тинътуқда, деганди акам Лак, қалайи, ҳаттоқи тилла қазиб олишаркан.

Пон силлиқ ҳарсангтошга чўнқайиб ўтирди.

— Демак, Зиеу, сиз олтин изловчи бўласизми?

— Ҳа, умуман, далада ишлаш ҳам ёмон эмас. Мен шунчаки узоқ-узоқларга йўл юришни яхши кўраман. Кончилик ҳам зўр ишдир, эҳтимол. Кончининг меҳнати мамлакатимиз бойлигини оширади. Мана шунақа.

— Кон қанақа ўзи? — сўради Пон.

— Мен ҳали ўзим ҳам билмайман. Сираси, рудани қазишиб ташқарига чиқаришади; кейин, айтишларича, уни эҳтиёт-корлик билан қалайи олиш учун роса қайнатишармиш.

— Кон анча узоқдадир-а?

— Иўғ-э, унчалик узоқ эмас. Уёққа кетсам ҳам бари бир онангиз билан сизни кўргани келиб тураман.

Пон ёрни тимирскилаб кичкина, силлиқ тошни топди ва қаддини ростлаб, бор куч билан уни ҳавога отди.

— Зиеу, сиз худди менинг зарғалдоғимга ўхшайсиз-а,— деди хушчақчақлик билан Пон.— Буёққа учиб келдингиз, мен

қанотингизни кесмаган эдим, мана, бизни ташлаб яна учиб кетяпсиз.

Қиз аёллик зийраклиги билан Поннинг сўзларида алла-қандай пичинг яширинганигини англади. Бироқ бир томондан жунбишга келган ёшликтинг ҳаётга чанқоқлиги, кучи унинг ҳозирги дил гашлигини енгиб кетди.

— Жуда келишитириб гапирдингиз-да! — кулиб юборди Зиеу.— Демак, сиз менинг қанотларимни қирқмоқчи бўлган экансиз-да!

Пон қиздан ҳам қаттиқроқ кулди, бироқ унинг овозида хушчақчақлик эмас, балки зулматнинг кўзга кўринмас девори билан ташқи оламдан ажратиб қўйилган кишининг ётсираши мужассам эди.

— Йўғ-э, учгингиз келса марҳамат, учиб кетаверинг, сизнинг қанотларингизни қирқиши хаёлимга ҳам келган эмас. Мен ҳам шунчаки бир чиройли гап айтай, деб гапирдим-да.

Зиеу эгри-бугри сўқмоқдан Понни сувга олиб тушди.

— Шу ердан,— деди қиз,— мен ҳар куни обкашда сувташийман.

Пон жим қолди ва қиз ўгирилиб унга қаради. Йигит Зиеунинг ёнгинасида турса-да, кўзлари олис-олисларга қадалганди, у худди ўша томонда қандайдир бу ердагига ўшамайдиган, ўзгача бир олами кўриб турганга ўхшарди.

— Зиеу, сиз жудаям чиройлисиз,— деди кутилмаганда Пон.

Зиеу, унинг сўзларидан ҳайраттга тушиб, жимиб қолди, сўнгра анчадан сўнг жиддий ва қатъий қилиб деди:

— Ахир сиз мени кўрмагансиз-ку, мен бир бедаво, таъвияман.

Поннинг қиёфаси ўзгарди:

— Бедаво деманг, бедаволик ўлик дегандай гап. Сиз кучлисиз, олис йўлларни яхши кўрасиз, сизнинг хунук бўлингиз мумкин эмас.

Улар уйга қайтишганда атрофга қоронги тушганди. Чорра-ҳага етишди, бу ердан қишлоқча унча узоқ эмас эди. Пон буёғига ўзим кетаман, йўл менга таниш, деди. У Зиеунинг қадам товушлари тингунча кутиб турди, шундан сўнгина йўлга тушди.

Орадан бир неча кун ўтгач, Зиеу акаси Лакдан хат олди ва қишлоқقا кутилмаганда қандай келиб қолган бўлса конга ҳам шундай дабдурустдан жўнаб кетди. Пон қизни катта йўлгача кузатиб қўйди. Зиеу Тиньтукка кетаётган ёғоч ортилган юк машинасини қўл кўтариб тўхтатди.

— Оқ йўл,— деди Пон.

У пайсалга солиб, вақтни чўзмоқчидай кузовга ортилган узун-узун йўғон ёғочлардан кафтларини юргизди:

— Темир дарахти тоза сараланибди... Ҳа, шахтамиз ҳам улканми дейман...

Пон қайрилиб, уйи томон юрганида машина анча йўл босиб қўйган эди...

Пон ҳақ гапни айтган әкан. Зиеу, худди унинг зарғалдори сингари қаёққадир учеб кетди. У шунчаки яқингинадан учган ва Поннинг чорловини әшитиб, бирпасгина бу ерларга қўниб ўтган эди. Бироқ қиз қачонлардан бўён бўёқларга қўниб ўтмайди. Пон қизни ахтариб топгиси келди-ю, аммо режа режалигича қолди, йўлга чиқмади. У уйида қолди, майда-чуйда ўйинчоқ ясашни ийғишириб қўйиб, бунинг ўрнига жиддий иш билан шуғуллана бошлади. Йигитнинг қилаётган иши шундай эдики, мабодо Зиеу бундан хабар топса, боши осмонга етарди, Поннинг ниятини маъқулларди. Пон одамларга турлитуман, янги «ўзиюрар» омоч, ер ҳайдайдиган, кўчат ўтқазадиган машиналар ясади... Гарчанд ўзи уйидан узоққа чиқолмаса-да, унинг ясаган машиналари овозаси бутун округга тарқалди, Зиеудан нариларгача ҳам етди.

Пон ясаган машиналар ичиде дехқончиликка ҳеч алоқаси йўқ битта машина бор эди: бу уч филдиракли велосипед бўлиб, рамасидан тортиб, филдираги-ю, занжирига қадар ёғочдан ўйиб ишланган эди. Пон насиб этса бирор кун ўзининг соддагина «транспорти»да саёҳатга чиқиши ният қилган эди.

Зиеунинг қаерда яшаётганигидан ҳеч кимнинг хабари йўқ эди, бироқ шунга қарамай, Пон ҳақидаги хабарлар унинг қулогига етмай қолган бўлиши мумкин әмас эди, ахир йигит тўғрисида ҳатто газеталарда ҳам ёзишди-ку. У илгаригидай хўрот қичқириши билан уйгонар ва бугун нима ишларни қилиши кераклигини чамалаб кўрарди. Онаси эса ҳамон ўғлининг ҳаётига кириб келган ва сўнгра бирдан гойиб бўлиб қолган киней қизни Пон эслаб, тилга олишини ташвишланиб тингларди. Пон тунлари юқ машиналарининг кон томонга жўнашига, шу машиналардаги ёш ишчиларнинг тун изғиринини писанд қилмай ашула айтиб кетишларига қулоқ тутарди. Уларнинг ҳар бири Понга қалбан яқин ва қадрдон эди.

Мен Поннинг ўз оғзидан әшиитган ҳикоя мана шу.

Эҳтимол, бу нарсалар ҳақиқатда бўлмагандир, чунки Пон — хаёлпаст йигит. Яна ким билади дейсиз, балки у бу воқеаларнинг барини хаёлан тасаввур қилгандир.

Фан Ти

## Шакарқамиш даласида

— Ут, у ерда нима қиляпсан?

Қамишлар орасидан чўчинқираган бир бола мўралади-ю, шу заҳотиёқ яна беркинди. Бола ҳақиқатан ҳам Ут эди, у полицея Шаога кўзи тушгандаёқ жуфтакни ростламоқчи бўлди-ю, лекин энди кечикканди.

— Сен шумтака, ҳали шакарқамиш ўғирлаяпсанми? Ойингга айтиб қўйай, яхшилаб бир саваласин!

Буни қаранг-га! Шакарқамиш дейди-я! У бўлса искович Шао

сезиб қолибди, деб роса құрқиб ўтирибди-я. Ут энди ҳайиқмай қалин қамишзордан чиқди ва ўзининг ювош ҳўқизига минди.

— Мен қамишингизга текканим йўқ!

— Тек тур. Анчадан буён найрангларингни кузатиб юрибман. Бу ерга сендан бўлак ит ҳам кирмайди.

— Ўлай агар, мен эмас! Ким шакарқамишингизни ўғирланган бўлса, тешиб чиқсин!

Ут ҳўқизига қамчи урди ва, «ўз кемасида улуғвор сузиб» бораракан: — Тешиб чиқсин, тешиб чиқсин... — деб қайта-қайта такрорлади.

Шао унинг орқасидан пўписа қилди, кейин елкасидаги милтиқни тўғрилаб, ҳар эҳтимолга қарши шакарқамишларни қуриб қўймоқчи бўлди.

Утнинг излари аниқ кўриниб турарди. «Ярамас, шакарқамиш ўғирлашга одатланган. Сўнг балки ўртоқлари билан ўтирволиб, кун бўйи роса шимса керак. Болалигимда ўзим ҳам ўғирлаганман — бошқаларнинг экинзорларида тентирдим», — деб ўйлади Шао.

— Мени алдаб бўпсан. Ҳаммасини биламан.

Бирдан Утнинг излари йўқолди. Полицей тўхтаб қолди. Энди орқага қайтмоқчи бўлганда, нимагадир қоқилди. Бир парча чим оёги билан бирга бир оз қўзгалди, шунда унинг қўзлари янгигина кавланган чуқурчага тушди. Шао әгилди ва...

— Шао амаки! — деган овоз эшитилди унинг ёнгинасидан.

У бурилди. Рўпарасида аллақаердан пайдо бўлган Ут турарди.

— Шао амаки, чопинг тезроқ, бобингизга бир тўда буқа кириб пайҳон қилиб ташлаяпти.

— Бошимни оғримта. Яхшиси, бу ерга нима яширганингни айт? Бирон нима ўғирлаганмисан?

У чуқурга милтигининг учини тиқди. Нимадир шиқирлади.

— Тегманг! — Муштумини қисиб қичқирди Ут.

— Марҳамат қилиб айтинг-чи, менга буни тақиқлайсизми?

— Ҳа, тақиқлайман!

— А-ҳа, қандайдир қути-ку, — болага эътибор бермасдан давом этди миршаб. — Сенинг ўғирлаган хазинанг шуми?


— Менини эмас, — деган жавоб эшитилди унга, — инқилобчилар қўмиб қўйишган, тегманг — ўласиз.

Шао худди куйиб қоладигандек қўлларини қутидан тортиб олди.

Утнинг қизаринқираган юзи унинг ишончли қарорга келганини билдириб турарди.

«Болакай, — хаёлдан ўтди Шаонинг, — ўёқда вьетнамлик инқилобчилар билан тил топишган. Қутида гранаталар бордир балки». Полицей беихтиёр орқага тисланди.

— Демак коммунистлар билан иш олиб борасан! Тўғри тур, қиммирласанг — отаман! — пўписа қилди Утга.



— Менга бир тегиб күринг-чи, бошингиз кетади,— деб бамайлихотир, аммо ғазаб билан жавоб берди бола.

«Бола ұзига нега бунча ишонади? Балки қишлоққа партизанлар келиб улгуришгандир. Худди шундай. Иүқса бунинг сурбетлигини нимага йүйиш мүмкін? Ҳа, ҳеч нарсадан ҳайикмай, куппа-кундуз куни пайдо бўлишибдими, менимча, улар кўпчилик».

Иў-ўқ, Шао партизанлар билан кўп учрашган. Қачондир улар Шаони қувлашган ҳам: мана үқларининг изи каскасида ҳали-ҳануз билиниб турибди...

Ут бу орада чуқурдан темир қутини чиқариб, ундан қандайдир тугун олди ва уни боши узра баланд кўтариб:

— Булар варақа! Инқилобий варақалар! Шунчалар мард экансиз, мени полицияга олиб боринг, нимага қараб турибсиз, кечқурун эса партизанлар қишлоқни ўраб олишади, сизни ушлашади, ҳаммаси учун сиз билан хисоб-китоб қилишади!..

— Майли, тошингни тер, кўппак, мен сени кўрмадим...

— Ҳеч кимга-а...

— Бўлди-да. Жўна...

— Үзингиз жўнанг...

Шао бу хатарли жойдан тезроқ узоқлашишга шошилди. Шу тирмизакки партизанлар билан бирга экан, унда бутун қишлоқ улар билан. Шао Утдан әмас, кўпчиликдан қўрқади, ҳозиргина ўйлаганидек, энди уни ҳамма жойда кузатишади. Балки партизанлар қишлоқни ўраб олишиб, кейин Утни разведкага жўнатишгандир? Қандай қилиб жон сақласа экан? Ҳужжатни факат қизиллардан олиш мумкин... Мабодо, варақа олса-чи? Жуда зўр бўлади! Варақа, варақа, ҳа-ҳа!..

Шао чопганча қамишзорга қайтди. Утни ахтаринишга тушди. Чапдан яна шитирлаш овозини эшитиб, уша ёққа отилди. Ут чўккалаб олиб, кутисини қайтадан кўмаётган эди.

— Ут, болам,— тили гапга келмай ғўлдиради Шао, ёлворганча қўлларини у томонга чўзиб,— менга битта варақа бер, биттагина, фақатгина битта, ёлвораман, берақол, илтимос, балки сенга кераксиз, бирорта хунук ёзилгани бордир... Бу сен учун ҳеч гап әмас-ку, битта варақа бер, атиги битта... Илтимос...

## Хатарли саргузашт

Гилье билан унинг янги ошнаси азонги туман ичра кетишияпти.

Тизза бўйи ўт-ўланларни қоплаган шудринг балиқчининг яланг оёғига тўкилса ҳам у на совуқни, на ўзи дағаллашиб кетган товони билан босиб бораётган чағиртошларни сезарди.

Улар тош йўлни кесиб ўтишди, кейин ёввойи ут қопланган сўқмоқдан бир оз юриб дengiz бўйига чиқишиди.

Серқирра чағиртошлардан иборат соҳил бошланди. Лекин балиқчи бу ерда ҳам худди тошларни сезмайтгандек шахдам одимлаб бораверди. Бола эса дам-бадам қоқилиб, мункиб кетарди.

— Мени туғилганидан бери чағиртош устидан ялангоёқ юравериб ўрганиб кетган, деб ўйлаяпсанми? — бақувват қўли билан уни ушлаб қолиб деди балиқчи.— Умрим бўйи қашшоқликда яшаганим, ёшлигимдан бери ишлаётганим учун ҳам оёқларим шунаقا бўлиб қолган. Ахир, яқин вақтгача балиқчилар худди итдай яшашарди-да.

— Сиз шу ерда туғилганимисиз, Хуан?

— Ҳа, шу ерда. Отам ҳам, бувам ҳам балиқчилик қилишган. Улар ўз ҳаётларини хавф остида қолдиришарди-ю, ўлжа кеманинг эгасига ёки чайқовчига тегарди.

— Қачондан бери ишлай бошлагансиз? Мактабга қачон боргандингиз?

Балиқчи кулиб юборди:

— Мактабга дейсанми? Қанақа мактаб? Бизнинг жойларда бунақа гаплар бўлмаган. Мен на ҳарфнинг, на рақамнинг фарқига бораман. Оиламдагилар ҳам шундай.

Гилье балиқчига ачиниб кетди, маъюсланиб бошини эгиб олди.

— Мени ҳали ҳам саводсиз экан, деб ўйлама тағин,— деди балиқчи унинг бу ҳолатини кўриб.— Энди ўқишни ҳам, ёзишни ҳам биламан, чунки саводсизликка қарши кураш бошлаганда, биз томонларга ҳам худди сен каби болакайни юбо-ришганди. Ўша бола хат ёзишни ўрганиб олмагунимча ҳолжонимга қўймади.

Гилье сесканиб кетди.

У юришдан тўхтади-да, балиқчига қараб, ғуур билин деди:

— Мен ҳам саводсизликка қарши курашганман. Тогда. Олтита дехқонга ўқиш билан ёзишни ўргатганман.

Балиқчи жилмайиб, залварли құлини чұзди-да, боланинг құлини худди темир құлқоп каби мақкам сиқиб қўйди.

— Баракалла, ўртоқ. Менга бежиз ёқиб қолмагандинг.

Орадан күп ўтмай, балиқчи билан болакай бесұнақай тахталардан ясалған, кемаларнинг тұхташ жойига етиб келишди. Моторли қайиқ бир маромда чайқалиб турарди. Улар қайиққа ўтиришгач, балиқчи моторни үт олдирди. Аввалига балиқчилар кооперативи бошқармасыға етиб келишди. Хуан денгизга чиқишаётгани ҳақида бошқармадагиларни хабардор қилиб қўйиши лозим эди. Хуан бу ишни бажариб ўзининг кичик ёрдамчиси билан вақтни ўтказмай қирғоқдан узоқлашди.

Моторли қайиқ, тұлқынлар узра сапчиб-сапчиб, тип-тиниң сувда илгарила борарди. Дам-бадам сувнинг тузи ўзгариб қоларди: агар денгиз туби құмлы бұлса сув оч-яшил, агар пастда йўсин күп бұлса, тұқ яшил, деярли қоп-кора, энг чуқур жойда эса күм-күк тусга киради.

— Тұрни күтаришдан аввал соҳилнинг саёз жойлари бүйлаб бир айланиб келамизми? — деб сұради балиқчи ҳамроҳи гараб.— Қўққисдан найзабалиқ учраб қолса-я? Бунақа балиқ учун ҳар қанча вақтинг кетса ҳам арзиди. Юз килограммлик сұлоқмоннинг худди күшга ұхшаб ҳавода учишини бир томоша қиласын.

Бу таклиф Гильега жудаям ёқиб тушганини гапириб ўтираса ҳам бұлади. Хуан қайиқни очиқ денгизга йўллади.

— Найзабалиқ қармоқни ютганда жудаям хавфли бұлиб кетади, ўшанда әхтиёт бўл,— огоҳлантириб қўйди балиқчи.

Улар бир соатта яқин фақат тўғрига қараб юришди. Сув аллақачон күм-күк тусга кирганди.

— Бу ерда сувнинг чуқурлиги етмиш беш метр. Энг чуқур жойигача икки юз әллик метр масофа бор, найзабалиқ ўша ерда бўлади.

Балиқчи қайиқнинг остида нималар бўлаётганини худди кўриб тургандек ишонч билан гапиради.

— Лангарни ташлаймизми? — деб сұради Гилье.

— Йўқ, бу ер анчагина чуқур, фақат моторни ўчирашимиз. Сўнг қармоқларни ҳозирлаб қўяман-да, кейинчалик сени найзабалиқ тутишни билмайди, деб бирор айбситмаслиги учун нима қилиш лозимлигини бирма-бир кўрсатаман.

Балиқчи иккита ингичка қармоқ таёфи ва иккита калавани — сувда сезилмайдиган оч яшил нейлон ипини олди. Ҳар бир калаванинг учига қармоқни пастга тортиб сув сатқига чиқиб кетишига имкон бермайдиган думалоқ қўргошин лангарчани балиқчиларга хос алоҳида усул билан боғлаб қўйди.

У хўракни — пикуа балигининг думи билан бир неча майдабалиқни қармоққа илиб тушунтира бошлади:

— Хўрак худди жони бордек сувда қимирлаб туради, шунинг учун ҳам найзабалиқ дарров унга ёпишади.

— Хўракни еганини қандай қилиб билса бўлади?

— Ўзинг кўрасан: қармоқнинг таёғи дарров хабар беради.



— Найзабалиқ қаршилик күрсатадими?

— У бориб турган иблиснинг ўзгинаси,— деб жавоб берди балиқчи.— Қармоққа илинса ҳам таслим бўлмайди. Ўшанда ҳушёр тур. Жуда жиддий гап бу. Агар юз килограммли балиқ қайикни улоқтириб юборса ёки сувнинг ичидан иргиб чиқиб, тумшуғи билан сенга ташланса нима бўлишини ўзинг тасаввур қилиб кўр-чи. У худди шамшир каби узун ва ўткир. Одами ни бемалол тешиб ўтиши мумкин.

Боланинг эти жунжикиб кетди. Лекин қўрқувни енгиб, юраксизлик қилмасликни ўзича ўйлаб қўйди.

Балиқчи эса қармоқ таёкларини, нейлон ипли қалавани, ҳўрак ва лангарчани бир чеккага суриб, худди тўқмоққа ўхшаш оғир бир таёқни ҳам тайёрлаб қўйди.

— Бу ҳар эҳтимолга қарши,— деди балиқчи.— Балиқни бортнинг ёнига тортиб оламиз-да, қарс этиб бошига туширамиз.

У ўриндан туриб иккала қармоқни денгизга ташлади. Кейин ипнинг учлари ҳавода осилиб тувиши учун таёқларни қайикнинг чеккасига тикка қилиб боғлаб қўйди.

— Энди, найзабалиқ ҳўракни ютса бас — ип таранг тортилиб, қармоқнинг таёқлари сувгача эгилиб қолади. Ҳозирча бемалол сұхбатлашиб ўтирасак бўлади. Хоҳласанг, сенга денгизимиздаги ажойиб балиқлар ҳақида гапириб бераман.

Шундан кейин балиқчи унга денгизнинг ҳали бутқул но маълум бўлган гаройиб олами ҳақида бутун бошли лекция ўқиб берди. У турли қўринишдаги найзабалиқларнинг бирбиридан қандай фарқланиши, уларни тувиш усуслари ҳақида сўзлаб кетди: кейин кубалиқ балиқчилар ҳозир қандай кун кечиришаётгани, инқилобдан кейин денгиз мактаблари ташкил этилгани, эндиликда қадрдан орол қирғоғидан узок-узокларга балиқ овлагани йўл олаётганди ёш балиқчилар ҳақида гапириб берди. Беғубор осмон тагида, мовий денгиздаги оппоқ қўпиклар орасида қайикда чайқалиб ўтириш қанчалик роҳат эди...

Балиқчи билан Гилье сұхбатга берилиб кетиб, қармоқлардан бири қўққисдан эгилиб учи сувга тегиб турганини сезмай қолишиди. Балиқчи буни кўриб сапчиб тушди-ю, бақириб юборди:

— Тезроқ тур. Найзабалиқ илинди.

Гилье тўсатдан бу қўрқинчли балиқнинг денгиздан иргиб чиқиб, худди улкан бомба каби ҳавода учишини кўрмаслик учун ўзини четга олмоқчи, кўзини беркитмоқчи бўлди, аммо дарров ўзини тутди. У қўрқувни енгиши, машҳур балиқчи ва довюрак Хуан Кинконтенинг муносаб дўсти эканини исботлаши керак. Лабидаги титроқни босиш учун тишини тишига қўйиб балиқчининг ёнига интилди. Қисқагина «қимирлама» деган буйруқ уни тўхтатиб қолди.

У балиқчининг жиддий қиёфасига тикилиб туриб итоаткорлик билан қимир этмади. Ҳозир инсон билан денгиз маҳлуқи ўртасида ҳаёт-мамот кураши бошланишини фаҳмлаб турарди.

Балиқчи ниҳоятда чаққонлик билан ипни таёқдан бүшатиб, икки құллаб уни маңкам ушлаб олди. Оёқларини бортга қаттиқ тираб, ипли құли билан олдинга әгилди-да, қармоқни балиқнинг жағидан илинтириб олиш мақсадида бир силтаб боши узра күтарди. Кейин ипни шошилмай, лекин бетұхтов соғиб торта бошлади, ип худди пұлат сим каби таранг бұлыб қолди. Балиқчининг қадоқ босган товони гүё қайиқнинг тағига ёпишиб қолғандек әди. Қуёшда қорайиб кетган териси остидаги мушаклари йинаң кетди, юзи ва күкрагини тер босди.

— Анқайма,— деди у ҳарсиллаб.— Ҳозир бу фириғар сув сатқига чиқиши йўлини излаб қолади. Қармоқнинг ипига қараб тур.

Гилье қоп-қора сув ичида ип таранг тортилганини күриб турарди. Балиқчи хавотир билан ипни кузатиб, оғриқ ва ғазабдан эсанкираб қолған денгиз махлуқининг қаерда тұлғана-ётганини аниқлашга ҳаракат қиларди. Вақт жуда секин үтарди. Қайиқдан чамаси йигирма метрча нарида тұсатдан сув биқирлади, сұнг найзабалиқ күринди.

— Мана у,— деб бақириб юборди балиқчи.— Бүш келма!

Балиқ сув ичидан отилиб чиқди-ю, худди катта үқ-ёй каби ҳавони кесиб үтди. Тумшуғи узун, шамширга ўхаш танаси ёй ҳосил қилиб сувга шалоплаб тушди-да, денгиз тубига йўл олди.

Гильенинг нафаси ичига тушиб кетди. У даг-даг титрарди.

Балиқчи үзининг ҳар бир ҳаракатини ҳисобга олиб, дам ипни таранг тортиб, дам бүшатиб эндилікда душманга айланған балиқ билан олишарди. Аёвсиз олишув борган сайин шиддатли тус оларди. Мана, жиддий бир сукунат орасида яна балиқчининг овози эшитилиб қолди:

— Эҳтиёт бўл, Гилье!

Энди найзабалиқ яна сув остидан чиқиб анча берида пайдо бўлди. Унинг кулранг биқини офтобда ялтираб кетди. У иккинчи марта осмонга сакради. Буларнинг ҳаммаси бир дақиқада юз берди, балиқ кемадан отиладиган бомба каби даҳшат солиб келарди.

— Эҳтиёт бўлинг, Хуан! — деб қичқириб юборди Гилье.

Баҳайбат балиқ худди тўпдан отилғандек балиқчи томон учуб кела бошлади.

Гилье ўйлаб үтирай, нима қилаётганига ақли ҳам етмай, олдинга ташланиб, денгиз махлуқи билан балиқчининг ўртасига туриб олди.

Бу қандай содир бўлганини улар ҳеч қачон унугашмайди: баҳайбат балиқ боланинг гавдасидан сирилиб ўтиб, уни сувга улоқтириди. Лекин кутылмаган бу тўқнашув балиқнинг учиш йўлини ўзгартириб юборди. Балиқ үзининг ўтқир учли шамширини Хуан Кинконтега санчиш ўрнига, бортнинг қалин юқори чеккасига урилиб кетиб, сувга шалоплаб тушди.

Саросимада қолған балиқчи дарров ўзига келди-ю, халоскорини хавотирланиб излай бошлади. Сув кўпикланиб, Гилье